

РАСМЛАР “СЎЗЛАЁТИР”



2 ▶

ТАҚДИРИ ҚЎШИЛГАНЛАР



4 ▶

Арофатхон УСМОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси:



ТИЛНИ ЭЪЗОЗЛАГАННИ
ЭЛ ЭЪЗОЗЛАЙДИ 5 ▶

ОНАМ ЁПГАН КУЛЧАЛАР



6 ▶

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Олтин
куз
саховати



ЎзА сурат-лавҳаси

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ошшага яна бир сирдош, дилдош дўстига
айланиб қолган севимли газетангизга 2016 йил учун
обуна давом этмоқда!



РАСМЛАР “СЎЗЛАЁТИР”

...Ижодий ишлар жамланган хона бўйлаб юрарканмиз, мольбертдаги “Шохимардон” деб номланган асар диққатимизни ўзига тортди: мўйқаламда яратилган пувиқор тоғларнинг ҳайбати, сойларда мавжланаётган зилол сувлар тасвири кўнгилга кўтаринкилик бағишлайди, сурат сеҳрлаб қўяди. Негаки, у муаллиф томонидан шундай мохирона чизилганки, уни фотосуратми, деб ўйлаб қоласан, киши. Ёш rassomning маҳорат билан яратган “Бегубор болалик”, “Бахтли она”, “Ойничкин кўприги”, “Шердор мадрасаси” каби суратларини томоша қилиш чоғида ҳам ёшлик хайратларини, истеъдоднинг порлоқ учкунларини ҳис этдик.

Истеъдод қизиқиш ва меҳнат тўғрисида мукамаллашади. Буларни уйғунликда жамлаб билиш эса ҳақиқий санъат асарини яратишга туртки беради. Ёш мусаввир Камронбек Шокиров мана шундай ҳислатларни ўзига сингдира олган. Бу борадаги сабоқларни Камрон Фаргона шаҳридаги 3-болалар мусика ва санъат мактабига келгандаёқ ўқиб олган эди. Ўрганганларини амалда ҳам ислоблади. Шунинг учун ҳам унинг суратлари вилоят миқёсида ўтказилган “Соғ-

лом турмуш тарзи ва спорт — саломатлик гарови” номли расмлар кўрик-танловида ғолиб деб топилди. 2012 йилда ёш мусаввир “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивалида тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича совриндор бўлди. Бу муваффақиятлардан айниқса, унинг мураббийлари Қизлархон Расулова, Умиджон Абдуллаев, Зухра-хон Ҳайдарова, Ховахон Анварова, Нодиржон Абдуллаев, Бахтиёржон Юсупов кўпроқ қувонишди.

— Манзара мураккаб жанр. Шунга қарамаздан тасвирий санъатнинг бошқа турларидан кўра шунга кўпроқ қизиқаман. Бу жанр ҳақида устозларим айтганидек, оддий ҳақиқатни айтишим шарт: суратлар “сўзлаши” керак! — дейди Камронбек сўхбат чоғида. — Ҳар доим ҳам бундай тасвирлар яратиш қийин. Шундай пайтларда буюк rassomлар Камолитдин Бехзод, Леонардо да Винчи, Микеланжелонинг асарларини томоша қилишга одатланганман. Улардан кўп нарсани ўрганаман.

Яқинда Камронбек Санкт-Петербургда бўлиб ўтган “Звуки и краски белых ночей” фестивалида халқаро ҳакамлар томонидан эътироф этилди. Халқаро фестивалда чоғу ижрочилиги, хореография, вокаль,



тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича Европанинг 20 га яқин давлатидан келган 400 ёш rassom ўз маҳоратини намоён этди. Иқтидорли rassom фестивалнинг арт-пленер йўналиши ғолиби бўлиш билан бирга Гран-при соврини билан ҳам тақдирланди. Мутахассислар унинг ижодини ва истеъдодини юксак баҳолашгани учун ҳам Камрон 2016 йилда фестивалнинг Соҳида бўлиб ўтадиган финал босқичида иштирок этиш йўлланмасига эга бўлди.

Истиқлол фарзандлари

Биз Камронбекнинг чизган суратлари, ютуқлари ҳақида самимий суҳбатлаша туриб, унга жуда ҳавас қилдик. Фаргона шаҳридаги 7-мактаб жамоаси ҳам у билан ҳақиқий равишда фахрланадилар. Сабаби, мактаби, она шаҳри ҳамда мамлакатимиз номини дунёга ёйишда Камронбек астойдил интилиб, изланмоқда. Асосийси, унинг максадлари рўёбга чиқиши учун барча имконият бор. У мусика сирларини ўрганаётган мактабга вақтини мазмунли ўтказиш, чин дилдан ўқиш учун боради. Албатта, бу фикримизни мазкур таълим даргоҳидаги устозлари ҳам тасдиқлашади.

— Мамлакатимизда болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчиларининг истеъдод ва маҳоратларини намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратилган, — дейди Фаргона шаҳридаги 3-болалар мусика ва санъат мактаби директори Дилоромхон Сулаймонова. — Бу каби нуфузли танлов ва фестиваллар Камронбек сингари қобилиятли фарзандларимизнинг дунёқарши ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиради, қалбини фахр ва ифтихорга тўлдиради. Бугунги жиддий меҳнат шубҳасиз, катта-катта муваффақиятларга етаклайди.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
Фаргона вилояти.

Чекиш, ичиш, айниқса, ўсмирлар учун жуда хавфли. Чунки бу даврда организмда ҳали физиологик функциялар шаклланмаган бўлиб, никотиннинг таъсирида улар патологик ҳолда ривожланади. Энг ёмони, ёшликда ўрашилган кашандаликдан кейинчалик қутулиш қийин. Никотинга боғлиқлик гиёҳвандликка қарамликка ўхшайди. “Бир марта топиб кўрсанг ҳеч нарса қилмайди”, деган ўй хато. Кашандалик муолажаси гиёҳвандликни даволаш сингари жиддий жараён ва бунда руҳий ҳолат билан ирода ҳам муҳим аҳамиятга эга.

СОҒЛИҚ ПУЛГА ТОПИЛМАЙДИ

...Инсоният таррақиётнинг янги-янги чўққиларини забт этмоқда. Бирок жаҳонда халқлар, миллатлар келажагига таҳдид туғдирувчи бир қанча омиллар ҳамон сақланиб қолмоқда. Ана шундай хатарлардан бири гиёҳвандлик балосидир. Глобал муаммога айланган ушбу иллатга қарши курашишда давлатлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда ер юзидagi наркoбизнесда айланаётган пул маблағи дунё аҳолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, таълим тизими ва тиббий хизматга сарфланаётган харажатларидан анча кўплиги билан фарқланиши ҳеч кимга сир эмас. Энг ачинарлиси, гиёҳвандлик оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Статистик маълумотларга кўра, дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Уларнинг аксари 30 ёшгача бўлганлар. Бунинг оқибатида, ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади.

Дунё бозорига тарқаладиган қора дорининг асосий қисми Афғонистонда етиштирилиб,

уни ноқонуний йўл билан Марказий Осиё мамлакатлари орқали Фарбга етказишга бўлган уриниш йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шунинг учун юртимизда наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш масаласига давлат ва миллатнинг эртасини ҳал этувчи омиллардан бири сифатида қараб келинмоқда. Ушбу иллатга қарши курашиш мақса-

дида бир қатор қонунлар ва халқаро шартномалар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Сурункали алкогольизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши келажаги соғлом юрт қуриш учун қўйилган энг дадил қадамдир.

Соғлик — бойлик. Уни йўқотган ҳамма нарсасини йўқотади.

Кумри ТАШТАНОВА,
Янгийўл туман 6-сонли
ДНИ нотариуси.

“СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ТАШАБУСИ БИЛАН

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Туркиянинг малакали мутахассислари билан ҳамкорликда бир қатор соғломлаштириш дастурларини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, шу йилнинг 15-25 октябрь кунлари туркиялик шифокорлар иштирокида Фаргона шаҳридаги вилоят болалар кўптармоқли тиббий марказида Фаргона, Андижон ва Наманган вилоятларидан келган юз соҳасидаги туғма ва каллидан кейинги асоратлар, юқори лаб ва каттик танглайнинг туғма нуқсонлари бўлган болаларни умум-

ий чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари олиб бориляпти. Беморларнинг жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилиши режалаштирилган.

Ўтган йили ҳам туркиялик шифокорлар юртимизга ташриф буюриб, жами 201 беморни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишга ва улардан 105 бола жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилган эди.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

ТАДБИР

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунга бағишланган тадбир Тошкент Тўқимачилик ва енгил sanoat институтида бўлиб ўтди. Бадий дастур асосида уюштирилган кечада институт ҳузуридаги тиллар кафедраси жамоаси, ўқитувчи ва талабалар фаол иштирок этдилар.

— Тил байрамига бағишлаб “Она тилим — жону дилим” деб номланган тадбирни институтнинг асосан, рус гуруҳи талабалари иштирокида тайёрладик, — дейди Тиллар кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент Феруза Икромхонова. — Боиси, юртимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элат фарзандларининг она тилимизга бўлган меҳр-муҳаббатни ошиб бораётгани қувонарлидир. Шунинг учун ҳам бугунги кечада кафедрамиздаги Европа тилларини ўрганаётган талабалар ўзбек тилида ёд олган шеърларни ўқиб беришгани кўпчиликини шодлантирди.

Авезжон БЕКМУРОВА,
Тошкент Тўқимачилик ва енгил sanoat институти ўқитувчиси.

АРХИВДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

“Ўзархив” агентлигининг “Архивларга келиб тушаётган сўровлар ижроси ҳамда ягона интерактив давлат хизматлари порталида архив хизматларини кўрсатиш масалалари” тўғрисидаги анжумани Миллий матбуот марказида бўлиб ўтди. Унда архив соҳасида фаолият юритаётган ходимлар ҳамда журналистлар иштирок этди. Матбуот анжумани давомида “Ўзархив” агентлигининг ходимлари ўзлари тайёрлаган тақдимотларини намойиш этдилар.

Архивларга фуқаролар томонидан келиб тушаётган сўровларнинг сони кўндан-кўнга ортаётгани қувонарли, шу билан бирга янада кўпроқ масъулият талаб эти-

ладиган ҳол. “Ўзархив” агентлиги ҳамда архивларга ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушаётган сўровлар ижроси таъминланиши билан бир қаторда, уларнинг ошиб бориш тенденцияси ҳам кузатишмоқда. Тадбирда архивларга келиб тушган сўровларнинг йиллар давомидаги солиштирма ҳажми ўрғанилиб, ўсиш суръатлари таққосланди.

Архив соҳаси бўйича мутахассислар ўзларининг иш фаолияти йўналиши бўйича ҳам бошқа керакли маълумотлар хусусида ахборот бердилар.

Ширинхон МЎМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

2015 йил — Кексаларни эъвозлаш йили

Умри бежиз оқар сувга ўхшамайдилар. Дарҳақиқат, сув ортига қарамай оққанидек, умрининг бирон лаҳзасини қайтаришининг ҳам имкони йўқ. Бироқ, олам жонзотлари ичра азизу мукаррам этиб яратилган инсон ҳаётининг асл ҳикмати ҳам шунда. Сен умрининг ҳар бир қатрасини шундай яшагинки, токи ўтиб кетгач надомат чекма. Эзгу амалларинг ўзингагина эмас, атрофингдаги одамларга, оз бўлса-да юртингга татигулик бўлсин. Бу йўл бўйлаб яхшилик дарахтларини эксанг, мевасидан кўпчилик баҳраманд бўлгай.



НУРОНИЙЛИК САОДАТИ

Бугунги ҳикоямиз қаҳрамони — Кува туманидаги “Чилон” кишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Юсуфжон ота Асронкулов ана шундай турмуши файзли, камтарона меҳнати билан эл қорига яраган нуронийлардан бири.

... Шинамгина, ҳар қаричида саранжомлик акс этиб турган оддий ўзбек хонадонининг гўё оҳанрабо си бордай. Эҳтимол, тонгла ри дуога, кундузлари шукронага, оқшомлари эзгу ниятларга бой бўлгани учун ҳам бу кўргоннинг эшиклари ҳамиша очик, ҳавоси дилкушодир? “Катта эшик”нинг камтар бекаси — кенжа келин Дилдоракхоннинг ширинсуханлигию меҳмоннавозлиги учун ҳам бу ҳовлига кирган одамнинг чиққиси келмас? Ҳартугул, бу йил саксон ёшни қоралаган Юсуфжон ота хонадонига ҳамма ҳавас қилади: бир ҳовлини тўлдиргулик бола-чақаси — 6 фарзанд, 16 неварга, 9 нафар эвраси бор. Фарзандлари Ҳикматхон, Раҳимхон, Замирахон, Зиёдахон, Сойибхон, Султонбекнинг барчаси касб-корли, маҳалла ва иш жойида ҳурматга сазовор инсонлар. Бу эса айтмоққа осон, чунки бир болани элга қўшгунча озмунча машаққат чекмайди, киши. Юсуфжон ота зурриёдлари шашнига фақат олқишлар эшитиб, кўкси тоғдай кўтарилган умргуздорлик қилаётган саодатманд инсонлардан десак янглишмаймиз.

Умр йўлдоши Зубайдахон ҳам меҳнаткаш, саришта аёл эди, афсуски, бу кунларга етиб келмади. Бироқ, фарзандларининг меҳр-эътибори тўфайли ҳаргиз ёлғизлиб қолмади, юзидан нур ёғилган отанинг қадамлари ҳали бардам. Болаларининг оқибати эса отамерос фазилат: Юсуфжон ота меҳридарёлигию очик феъллиги билан нафақат яқинлари, ҳамма-нинг кўнглини олсам, муҳтожларга мурувват қилсам дейди. Халқимизнинг бир мазийзини қирқ бўлиб ейиш ҳақидаги нақли айнан шундай одамлар ҳақида айтилган бўлса, не ажаб.

Кува — юртимизнинг баракали, йилдан-йилга ободлашиб бораётган қадим гўшаларидан бири. Болалигига уруш ва очарчилик даврларининг ўчмас хотиралари муҳрланган отахон бундай дориламон кунларга шукур келтиришдан бир зум чарчамайди. Куванинг бугунги қиёфаси, фаровонлигига ўз хиссасини қўша олганидан қувонади, холбуки, шаҳарда Юсуфжон отанинг меҳнати сингмаган бирон-бир диққатга сазовор иншо-от йўқ десак, муболага бўлмайди. У киши қирқ йилдан зиёд қурилиш соҳасида ҳайдовчиликдан тортиб прораблик вазифасигача бажариб, тинимсиз хизматда бўлди. Чин дилдан қилинган меҳнати эвазига ўз пайтида мукофоту мактовларга сазовор бўлди. Бугун эса, пиру бадавлат отахон мустақиллик шукуҳини энг олий мукофот деб билади. Ҳаётга, юртдаги жараёнларга теран нигоҳ билан қарайдиган нуроний элнинг иссиқ-совуғида бош-қош бўлиш баробарида маҳалладошларини шукронага, аҳилликка, жипслашишга ундайди.

— Биз кексалар ҳам аҳли оиламиз, ҳам ҳукуматимиз томонидан эъвозланаётган шундай кунларга етказганига шукур қилиб чарчамаймиз, — дейди Юсуфжон ота. — Ҳаёт инсонга берилган энг улуғ неъматдир. Уни ҳалол яшаб ўтиш, фарзандларни ҳалол луқма билан парваришлаб, уларга ҳам шу йўлдан юришни ўқтира билиш муқаддас бурчимиз. Токи, инсонлар тўғрилиқ ва меҳнат билан кун кўрар экан — юртнинг ризқи мўл, эртаса порлоқ бўлади. Тинчлигимизга кўз тегмасин!

Юсуфжон ота шундай деб юзига фотиҳа тортар экан, қалбнинг туб-тубида бундай дуоларнинг ижобатиға, ана шундай покдомон кексалари кўп юртнинг ёруғ келажигига комил ишонч уйғонади.

Гулчехра АСРОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Фаргона вилояти.



Бутун умрини деҳқончиликка бағишлаган Солижон ота ҳалол пешона тери билан оиласига ризқ улашганида фарзандларининг келажакда илму маърифатга ошно бўлмоғини ва ўшанда ўз номи эл орасида ҳурмат билан тилга олинишини орзу қиларди. Айниқса, тўнғич ўғли Абдурашидга бу ҳақда ҳар доим гапирар, уни илм олишга ундарди. Мана, шунга ҳам салкам ярим аср бўлибди. Фарзанди бугун техника фанлари доктори, профессор. 90 ёшни қаршилайётган Солижон ота ўғли Абдурашид Ҳасановнинг эришган ютуқларини йиллар давомида кузатиб борди, бахти-камолини кўрди.

— Оҳангарон туманида туғилиб воёга етганман. Мана салкам 60 ёшни қаршилаяпман. Отамиз ҳар доим бизни илмга рағбатлантирганлар, — дейди Абдурашид ака. — Кишлоқ жой, отам деҳқон, онам Ойдаи опа ишчи, уй юмушлари кўп эди. Ана шундай шароитда ҳам, агар отам китоб ўқиётганимни кўриб қолса, иш буюрмас эди. Шунинг учун иш кўпайиб кетса, атай қўлимга китоб олар эдим. Кейин бу ишимдан хижолат тортиб, яна кўмак бергани шошилардим. Эсимда, 7-синфда ўқиётган йили туманимиз газетасида шеърларим чиққан. Илм билан бирга ижодга ҳам қизиқишим баланд бўлган. 1983 йили Тошкент давлат политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) ни тамомлагач, иш фаолиятимни ўкув юртимнинг Олмалик кечки кон-металлургия факультетида ассистентликдан бошладим. Биласизми, билмили инсон асло изланишдан тўхтамайди. Чунки, унинг йўқотадиган нарсаси бўлмайди. Буни йиллар мисолида кўрдим.

2001 йилда шу факультетнинг декани бўлган қаҳрамонимиз 2012 йили “Кончилик иши” кафедраси мудир лавозимида ишлади. 1992 йил техника фанлари номзоиди, доцент, 2014 йили эса профессор бўлди. Кон-металлургия соҳасининг сир-асрорини ўрганиш баробарида, ўнлаб шогирдлари билан илмий тадқиқотлар ўтказган. Олимнинг иши оламга етади, дегани шу бўлса керак-да. Саноатимизнинг бугунги ривожиди Абдурашид Ҳасановнинг хизмати катта десак, муболага бўлмайди.

— Олмалик кончилар шаҳри. Бу ерга келсангиз, завод ва фабрикалардаги қизгин жараённи кўрасиз. Кон бу — ерни очиб, ундан бебаҳо олтин турли металллар олиш эмас, балки илмий салоҳиятни ишга солиб, энг қулай ва замонавий усулда, илож борича, зарарсиз ҳолда ишлаш дегани. Кўпчилик кон, қора меҳнатда, дейишди. Мен эса уни ижодкорликка қиёслайман. Тасаввур қилинг-а, ер остидаги тошлар бебаҳо хусусиятга эга. Агар уни ердан нотўри қазиб олсангиз, тупроқдан фарқи қолмайди. Худди, заргар каби ёки наққош мисол ижод қилишингиз ке-

Замондошларимиз

САВОБНИНГ ОРТИДА ҚАДР ЯШАЙДИ

рак. Фақат бунда илмий ёндашув талаб этилади. Илмий тадқиқотим рангли, нодир металлларни ажратиб олиш ва ундан кейинги жараёнларда пирометаллургия жараёнларини қўллашни ўз ичига олади. Бунинг натижасида, шогирдларим билан янги технологияни қўллашга эришдик. Яъни, техноген ашё, шлақдан қўшимча 211 тонна мис, 13,4 кг. олтин, 90,1 кг. кумуш соф ҳолда олинди. Натижада, термогравитация ва суюқ шлақларни грануллаш (кумоқлаш) технологиялари илк мартаба яратилиб, санаотда синаб кўрилди.

Ҳисоб-китоб, қунт ва мантиқий ёндашувни талаб этадиган бу соҳада ўттиз йилдан охиқ фаолият юритган Абдурашид Ҳасановнинг хонадонига кутубхонаси анча бой. Ўзи ҳам ўнлаб китоблар муаллифи, қўпбал рисоалари, монография, мақолалари чоп этилган. Бу катта кутубхона нафақат илмий адабиётлар билан, балки бадиий адабиётимизнинг дурдоналари билан бойитилган. Қаҳрамонимизнинг айтишича, у дўконга кирса, камида ўнта китобни сотиб олиб, мутлола қилиб бўлгач, фарзандлари ва шогирдларига улашар экан.

— Айрим оилалар фарзанд тарбиясида уни қаттиқ уришиб ёки уриб тарбиялаш тўғри, деб ўйлашди. Ваҳоланки, бола учун бу жазо самарасиз ва зарарли. Аёлим Валимахон ҳам олий маълумотли, шифокор. Шу сабаб болаларимиз тарбиясига алоҳида эътибор билан қараганмиз. Ишонасизми, Бир пайлар фарзандларимдан бирини айби учун кутубхонага қамаб қўйиб жазолаганман. Унга қадар уларга китобни авайлашини, китоб ёзиш завқини гапирман. Ўқишга ҳавасни ҳали бола пайтидаёқ сингдираман.

Уларнинг жамиятда ўз ўрнини топаётганини, катта лавозимларда меҳнат қилаётганини кўриб, ич-ичимдан ўша маҳалдаги “жазо” натижаси бўлса керак, деб ўйлаб қоламан. Улугбек, Отабек, Алишер, Назарбек ва Зулхуморхон ўз соҳаларида мутахассис, келинларим Шахлохон, Лолахон, Шохсанамхон, кўвём Зафар ҳам олий маълумотли. Бизнинг оилага келиб, ўзаро суҳбатни тингласангиз, теран мулоҳазаларни, аниқ фикрларни эшитасиз. Оддий дастурхон атрофида ҳам илм ва ижод ҳақида суҳбат бўлади.

— Кўпроқ фикрлашни ёқтираман. Йиллар давомида тўплаган тажрибадан айта оламани, инсон ҳар лаҳзада юксалиш ва пасайишларни ҳис этиб яшати керак, — дейди Абдурашид ака. — Китоб ўқимаётган, енгил-елпи нарсаларга ружу қўяётган ёшларни кўрсам, афсусланаман. Чунки келажакни фақат китоблар ва илму маърифат билан юксалтириш, ривожлантириш мумкин. Унутмайлик, савобнинг ортида инсоннинг қадр-қиммати, обрў-мартабаси яшайди. Ҳаётда яхши ном қолдирмоқ учун бир умр ана шу даражани сақлаб қолиш керак.

Камола АДАШБОЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

...Фузорлик Шодмон бобомиз умрининг
86-кузини кутиб олди.
...Ойрўшан момомиз эса яқинда
78-тийрамоҳни қаршилади.



ТАҚДИРИ ҚЎШИЛГАНЛАР

Тақдир бу инсонларни кўп ва ҳўп синади. Роман, қисса ёхуд миллий сериалларга мавзу бўлади, улар бошидан кечирган воқеалар.

“Тангрим аёлни тошдан яратганими, дейман, шунча азобу укубатларни кўрган бўлсам-да, яшаш учун тинмай курашдим. Шукр, шундай ойдin замонларга етказди Худойим!” — деб қўяди рўмолининг бир учини тишлаганча Ойрўшан момомиз.

Шодмон бува эса ўнг оёғини силаб, маҳзун оҳангда пичирлайди: “Оёғимни зил-замбилдай омонч эзиб кетгани баъзан тушларимга киради... Э, у кунларни мен эсламайин, сиз ёзманг. Лекин шукронада гап кўп экан, 86 ёшга кириш хаёлимга ҳам келмаган. Гапнинг индаллосини айтсам, кейинги салкам йигирма беш йиллик ҳаётимни ҳаёт десам арзийди”.

Бир-бирига чинорлар янгли суяниб яшаётган бу икки дилкаш инсон билан сўзлашган одам уларнинг тақдир-аъмолида ғаройиб ва, айна пайтада, бизлар учун ибратли воқеалар битилганини илғай бошлайди.

Шодмон ота ХЎЖАМОВ ҲИКОЯСИ:

— Урушнинг сўнгги йиллари. Эр-какларнинг аксари фронтга кетган. Отам дунёдан ўтган. Жалил акам урушда, Халил акам меҳнат батальониди, Фармон акам мактабда, Чори акам эса пединститутда ўқитувчилик қиларди. Мен 15 ёшдаман. Далада қўш ҳўкиз етаклайман. Ҳалигача эсимдан чиқмайди: 1945 йил 24 мартда ер ҳайдаётсам, каттакон омонч ўнг оёғимни босиб, тўпигимни суриб юборган. Жалил акам ўша йили ўнг қўлидан ярадор бўлиб, урушдан қайтиб келганди. Мени кўтариб аввал синиқчи табибларга олиб борди. Фойдаси бўлмади. Кейин эшак аравада дўхтирхонага жўнадик. Оёғим шишиб кетган, оғриққа чидолмайман. Нуқул бақираман. Бир илож қилиб, рентгенга туширишди. Врачлар оёғини кесма-

Шодмон бува эса ўнг оёғини силаб, маҳзун оҳангда пичирлайди: “Оёғимни зил-замбилдай омонч эзиб кетгани баъзан тушларимга киради... Э, у кунларни мен эсламайин, сиз ёзманг. Лекин шукронада гап кўп экан, 86 ёшга кириш хаёлимга ҳам келмаган. Гапнинг индаллосини айтсам, кейинги салкам йигирма беш йиллик ҳаётимни ҳаёт десам арзийди”...

са бўлмайди, дейишди. Бу гапни эшитиб, онам раҳматли қўйиб кетганидан бўлса керак-да: “Йўқ, кесгандан кўра ўлдиринглар, болам кўп менинг”, деб бақириб юборса бўладими. Акам уришиб берди. Охири кўнди. Шифокорлар бутунлай кесиб ташлашмади-ю, лекин бизнинг тилда “ошиқ-маъшўқ” дейдими, тўпигни олиб, тиззанинг заҳа етган гўштигача кириб, тикиб ташлади. Нуқул сиқиламан, йиглайман, энди нима бўлади, наҳот бир умр оқсаб юраман, дейман. Лекин Аллоҳ сабр берди, иродамни синовдан ўтказди. Яхшиям онам бор экан: “Ёшсан, болам, тузалиб кетасан ҳали, насиб этса, ойдаи келинлар келади уйимизга”, деб кўнглимни кўтарди. Эҳ-е, операция бўлган маҳал оёғимнинг ортидан қанча гап-сўз, маломатлар қилишди одамлар...

Навқирон, оловқалб Шодмон вояга етганидан кейин эса уни янада оғирроқ мушкулотлар кутиб турган экан. Бир ёқда уруш тугаб, очарчилик, қаҳатчилик авжига чиққан, бир бурда нон олтидан қиммат даврлар эди. Шундай бўлсада, бу хонадонда зиёлилар кўпли-

ги учунми, Шодмон ҳам ҳар қанча қийинчиликка қарамай, аввал Қарши шаҳридаги уч йиллик педагогика билим юртида таҳсил олди. Мактабда дарс берди. Тинмай изланди ва, ниҳоят, 1961 йили Тошкентдаги Низомий номли педагогика институти (ҳозирги университет) нинг тарих факультетини сиртдан тамомлади. Акалари бирин-кетин уйланишди. Навбат Шодмонга келди. Қисматни қарангки, ёш келин-куёвга фарзандли бўлиш насиб этмади. Яна миш-мишлар кўпайди, оёғи билан юрган яқин қариндошлари ҳам тилига эрк берди. Ич-ичидан эзилган, сиқилган йигитнинг боши эгилди...

Ойрўшан момо АЛИҚУЛОВА ҲИКОЯСИ:

— Умр йўлдошим Зойир Жовлиев мактабда математикадан дарс берарди. Икки ўғлим, бир қизим бор эди. Ўша пайтлар тиббиёт шу даражада ожиз эканми, 1966 йил 11 июль куни умр йўлдошим қирчиллама 28 ёшида оддий кўричақдан омонатини топширди. Бошимни қайга уришни билмайман. Йиглаб-сиқтаганининг фойдаси йўқ. Белимни маҳкам боғладим. “Оталарининг руҳини шод этмоқ учун гулдек болаларимни кипригимда авайлаб ўстираман, ҳеч кимдан кам бўлмайди”, дея уларга бор меҳримни бердим. Ўшанда катта ўғлим Олломурод беш ёшда, Рустамжон уч ёшда, Меҳринисо қизим бир ёшдан ўтган эди...

Бандасининг эмас, Аллоҳнинг буюргани бўлар экан. Орадан тўрт йил ўтгач, Кераит қишлоғининг қай-вонилари аралашиб, кўнгли ярим Шодмон ақанинг бошини иккита қилмоқ ниятида савбоғлик Алиқул ака ва Нозик опанинг хонадонига Ойрўшан опани сўраб, совчиликка боришди. Уй соҳиблари ўйланиб қолишди. Негаки, Шодмон ақани яқиндан билишмаса-да, аммо қўшни қишлоқдаги айрим иссиқ-совуқ гаплардан уларнинг ҳам хабарлари бор эди. Устига устак, бу одам уч норасидага меҳр кўргиза олармикан, деган истиҳола ҳам ота-онани қийнаётганди. Кўпни кўрган отахонлардан бири сўнгги сўзни айтди: “Биз Шодмонга ишонганимиз учун бу ёққа келдик, насиб этса, икки ёрти бир бутун бўлиб, ҳамма ҳавас қиладиган оила куради. Қани дуога қўл очайлик: “Илоё, қўша қаришин!”

Бахт билан давлатнинг кечи бўлмас экан. 1970 йили Шодмон ака Ойрўшан опага уйланганидан кейин юрагига мадор, рўзғорига барака кирди. Айниқса, оилада Орзигул туғилганидан кейин қувончи дамлар бошланди. 1973 йилда Фотима-Зухра, 1976 йилда Юсуфжон, 1980 йилда эса Абдумурод дунёга келди.

Энг қизиги, уларнинг уч нафари — Орзигул 7 май, эғизаклар 7 апрель ва Юсуфжон 7 июнда туғилганида ҳам бирор синоат бормикан? Ёки қолган тўрт фарзанднинг ҳам дунёга келиш санаси март ойининг турли кунларида эканлигига нима дейсиз?

ШОДМОН БОБОНИНГ АЙТГАНЛАРИ:

— Кўп эмас, кам эмас, 45 йилча мактабда ишладим. Йигирма йилга яқин директорлик қилдим. Қанийди,

фалак айланиб, ҳозир ўттиз ёшларда бўлсаму, ёп-ёруғ, шинам, компьютерлашган, замонавий таълим масканида ёшларга сабоқ берсам, дейман. Биз ишлаган даврлардаги мактабларнинг шароити, ўқитувчи-муаллимларнинг аҳволини гапирсам, ҳозиргилар ишонмайди. Минг қатла шукрки, шундай кунларга етказди, бобо-момоларимиз, ота-онамиз тушларидаям кўрмаган давру давронларда яшамоқ насиб этди. Эсимда, бир пайтлар кимдир 60 ёки 70 ёшга кириб, тўй-маърака ўтказадиган бўлса, ҳамма шундай ёшларга етказсин, деб орзу қилар-

“Чол-кампирининг бошидан ўтган шунча кўргуликларни булар билишмайди. Билмаганиям яхшидир, балки. Лекин тақдир деганлари азалий ҳақиқат. Момонгиз билан шунча йил умргузаронлик қилиб, бирор марта бўлсам ўртамазда ноҳуш гап-сўз ўтмаган, ўгай деган маломат айтилмаган.

ди. Ҳозир қаранг, 80 ёш ҳам чўт бўлмай қолди. 90 ёки бир асрни кўрган бобо-момолар юртимизда жуда кўп. Президентимиз ҳар йили юз ёшдан ошганларга эҳтиром кўрсатиб, уларни “Шухрат” медал билан тақдирлаётгани ҳам бежиз эмас.

ОЙРЎШАН МОМОНИНГ СЎЗЛАРИ:

— Фарзанду невараларимизнинг ҳаммаси бахтли-тахтли. Бир-бирига меҳрибон, оқибатли. Бирор баҳонада ҳовлимизда йиғилиб қолишса, ҳамсоюлар тўй-тўйчиқ бошланди, деб ўйлашади. Байрам, тўйлар, туғилган кунлар бўладими, бизларни давра тўрига ўтказишади. Қариси бор уйнинг париси бор, деганлари шу бўлса керакки, болаларимиз бизларни бир кунгинаям ёлғизлатиб қўйишмайди. Ҳали униси, ҳали буниси уйига тортқилайди. Яна денг бир оёғимиз Тошкентда, Рустамжон ўғлимиз кўярда қўймай, меҳмонга чорлайди. Пойтахтдаги кўзни қувнатлар жойларни томоша қилдиради. Уч-тўрт кун зўрга ўтади. Яна ортга, Фўзорга оёк тортаверади. Бу ёқдаям бир этак неваралар интиқ кутиб ўтиришади. Худойимга минг қатла шукр, шундай кунларга етдик. Ўтган кечмишлар энди эртатка айланди...

...Гурунғ орасида Шодмон бобо бизнинг суҳбатимизни бир чеккада кузатиб ўтирган невараларига ишора қилиб: “Чол-кампирининг бошидан ўтган шунча кўргуликларни булар билишмайди. Билмаганиям яхшидир, балки. Лекин тақдир деганлари азалий ҳақиқат. Момонгиз билан шунча йил умргузаронлик қилиб, бирор марта бўлсам ўртамазда ноҳуш гап-сўз ўтмаган, ўгай деган маломат айтилмаган. Фарзандларимиз биздан ибрат олишди, халқона ибората айтадиган бўлсам, эт билан тирноққа айланиб кетишди”, деди самимий оҳангда.

...Ирмоқлар қўшилса дарё бўлади, дарёлар қўшилса денгиз бўлади, дейдилар. Дарвоқе, бугунги ҳаётий ҳикоямиз қаҳрамонлари бўлмиш Шодмон бобо ва Ойрўшан момомизнинг тақдирлари қўшилиб бир улкан ҲАЁТ дарахтига айланди. Ниятимиз, ана шундай ёруғ ниятли инсонлар юртимизда кўпаяверсин.



Дунё олимлари томонидан XXI аср интеллектуал билимлар асри деб бежиз айтилмаган. Бу жараёнга билими, рақобатбардош кадрларни етказиб бериш эса ҳар жиҳатдан ўқитувчиларга боғлиқ. Шаҳрихон туманидаги 59-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, “Халқ таълими аълочиси”, “Шухрат” медали соҳибаси Арофатхон Усмонова ҳам шу соҳанинг чин жонқуяралидан бири.

Арофатхон УСМОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси:

ТИЛНИ ЭЪЗОЗЛАГАННИ ЭЛ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Тўлкинова, Диёрахон Каримова, Зарнигор Нейматова сингари ўқувчилари “Конституция — бахтимиз пойдевори”, “Сарҳадларимиз мустақамлиги — тинчлигимиз пойдевори”, “Касбим — фахрим менинг” каби мавзулардаги иншолар танловларида, фан олимпиадаси, “Билимлар беллашуви”нинг туман, вилоят ва мамлакат босқичларида иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой олгани бошқаларнинг фаоллигини ҳам оширмоқда.

— Бахт ҳар бир инсоннинг ўз кўлида, уни яратиш ва тутиш зарур, дейишади? Аслида, шундаймикан, ёки бошқа йўллари ҳам борми?

— Бахт, муболағасиз айтаман, Яратганнинг бемисл мўъжизаси. Аёл учун фарзанд, уларнинг камолини кўриш, ўзи ёқтирган касбни эгаллаш, турмуш ўртоғи билан тинч-тотув умргузаронлик қилиш чинакам толе. Масыулятли касбда фаолият олиб

Эътироф

— Тил борасида фикрлар кўп. Айнисса, бугунги тилимизнинг бойлигини, жиловини, товганишини асраш зарур. Айтайлик, битта сўздан бир авлод фойдаланмаса, у эсдан чиқади. Албатта, она тилимиз давлат тили мақомига эришганидан сўнг, мамлакатимизда бу борада жуда катта кўламдаги ишлар амалга оширилди. Ўзбек тилининг кундалик ҳаётимиздаги нуфузи ва ўрнини ошириш, такомиллаштириш ва янада ривожлантириш, энг муҳими, ўқитиш ҳамда ўрганиш бўйича кўплаб саъй-ҳаракатлар олиб борилди. Бундан ҳар қанча қувонсак арзийди. Лекин бу билан хотиржамликка берилиш керак эмас. Негаки, тил ҳар доим ўзгарш ва янгиликлар билан озикланиб туради. Шу маънода бугун дунё тилларини ўрганишда эҳтиёж оратган замонда фарзандларимиз қалбида миллий тилга ҳур-



боришимда ҳар доим мени қўллаб-қувватлаб турувчи, барча имкониятларни яратиб берувчи турмуш ўртоғимдан ҳамisha миннатдорман. Гарчи у киши ҳисобчи бўлса-да, касбимни тушунади. Кўз тегмасин, уч нафар фарзандни вояга етказиб, тарбиялаб келяпмиз. Тўнғич ўғлимиз Ислонжон Андижон давлат тиббиёт институтида ишлайди, Иzzатбек эса Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил оляпти. Қизимиз Диёрахон мактаб ўқувчиси. У ҳам келажакда муаллима бўлмоқчи. Аллоҳга шукр, бахтли оиланинг бир бекасиман. Бундан-да ортиқроқ бахт борми, бу дунёда!

— Арофатхон опа, сиз билан яна бир кутлуг байрамимиз 21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун арафасида дийдорлашиб, суҳбатлашиб турибмиз. Умуман, ҳар бир она тили ва адабиёт ўқитувчиси учун тил масаласи муҳим: у ҳар доим ривожланади, буюйди. Бу борада ўқитувчининг вазифаси нима-ларда кўринади?

ват ва эҳтиромни янада кучайтириш туйғусини тобора ошириб боришимиз шарт. Ана шундагина тилимизнинг кадр-қиммати ошиб бораверади.

Миролим ИСАЖОНОВ
суҳбатлашди.
Рустамбек АРАББОЕВ
олган суратлар.



ДОИР ВА ДОИРА. “Доир” бирор нарсага тегишли, мансуб, дахлдор маъноларини англатади. Бу сўз “айланувчи”, “айланма” мазмунини билдирган. Қизиғи шундаки, “доир”, “доира”, “давр”, “давра” сўзлари битта илдиздан ўсиб чиққан бўлиб, уларнинг туб илдизи “айлана” маъносини англатган.

Содиқжон ишга доир гапларга аралашиб, бировнинг фикрини қувватлар ёки рад қилар, ўз фикрини айтар эди.

Абдулла Қаҳҳор

Айлагач доир тўкуз афлорки,
Қосир этти фаҳмидин идрокни.

То доираи сипехр бўлғай,
Токим анга нуқта меҳр бўлғай.

Алишер Навоий

БАҲР — “катта”, “азим”, “дарё”, “денгиз” маъноларини англатади. Шунингдек, бу сўзнинг “олам”, “дунё”, “бойлик”, “туғён”, “тўфон”, “насиб”, “фойда” маънолари ҳам бор.

Боғи хирад нахлини хошок этиб,
Баҳри бало мавжини кўлок этиб.

Алишер Навоий

ТАШРИФ — бирор жойга, элга, хонадонга, бирор киши ҳузурига қисқа мuddатга бориш “ташриф”-дир. Эътибор қилсангиз, “ташриф”-да “шараф” борлигини илғайсиз. Демак, “ташриф” сўзининг луғавий маъноси “шарафлаш”-дир.

Бизнинг қулбаи вайронамизга
ташриф этсангиз... Иним бетоб...

Миркарим Осимнинг
“Ибн Сино” қиссасидан

ХОНАНДА — ашула, кўшиқ айтувчи. “Хонанда” сўзининг туб илдизи “ўқувчи”. “ўқиётган” деган маъноларни англатади.

Ҳовлининг бир томонида,
баланд сўрида хонанда ва созандалар
мақомни янгротмоқда.

Мирмуҳсин

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Эълонлар

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумтаълим мактабидан Зайнишев Шерзод Абдуллаевичга 1996 йилда берилган АУ №044110 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЎзДЖТУ томонидан Зайнишев Шерзод Абдуллаевичга 2000 йилда берилган В№002404 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЎзДЖТУ томонидан Зайнишев Шерзод Абдуллаевичга 2002 йилда берилган М№ 005027 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нурматова Умида Бахтияровнага Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги 111-умумтаълим мактабини тамомлагани ҳақида 1992 йилда берилган В-№ 093975 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2007 йил Ҳамза тумани ХТБга қарашли 46-мактаби таълим маркази томонидан Юлдашева Фароҳат Маҳмуджоновнага берилган 6R-SH № 0756312 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ассалому алайкум, "Оила ва жамият" газетаси ижодкорлари!

Мана ўн беш йилдирки, ўзимни бир меҳрибон инсон олдида қарздордек ҳис этаман.

Хатлар - тақдирлар



НОТАНИШ ХАЛОСКОРИМ, ҚАЕРДАСИЗ?

2000 йил 25 октябрь куни пойтахтимиздаги 3-сонли туғруқхонада оналик бахтига муяссар бўлдим. Биринчи фарзандим эмасми, кўрқувдан титраб, тўлғоқ азобидан ингрардим. Аҳволимни кўрган доя аёл бироз кузатиб турган, мени ким олиб келганини ва нима учун у билан "гаплашмай" кетиб қолишганини сўради. Сўнг кўзим ёригунча қовоғини очмади. Мен эса ўзимни унинг "арпасини хом ўргандай" ҳис қилдим. Майли, бу бошқа масала. Балки ўша доя аёл учун аввалдан "гаплашиб, ишни пишитиб" олиш одатий ҳолдир. Бу унинг ўзига, виждонига ҳавола. Икки йўл орасидан ўйиб олганимни кўксимга қизчамнинг қайноқ иси урилганида сездим-у, хушимдан кетдим...

Ўзимга келганимда кўз ўнгимни оппоқ булутлар қоплаганди. Ана шунда кимдир: "Эҳ қизим-а, роса қийналдинг, ўзим... Бўлди, кўркма, ҳаммаси ортда қолди", деганча юз-кўзларимдан, кўлларимдан силарди. Менга гапирётган аёлнинг юзини аниқ кўришга уринардим-у, оппоқ шарпадан бошқа нарса илғай олмасдим. Аввалига кўзимга фаришта кўринаяпти, деб ўйла-

дим. Кейин у: "Ҳозир чақалоғингни кўрсатаман", деб боламни олиб келди. Кувончим ичимга сигмаси-да, ҳатто табассум қилишга ҳам ҳолим йўқ эди. Шунда илиқ кафтлари билан пешонамдан силаётган аёлнинг: "Майли болажоним, чарчагансан, ухлай қол", деган овозини элас-элас эшитдим...

Тонг отди. Аҳволим анча тузук эди. Мени хонага жойлаштиришди. Болам ҳам ёнимда. Хуллас, ҳаммаси яхши эди. Тушлиқдан кейин ярим тундаги воқеалар ёдимга тушиб, ўйландим. Менга шунчалар меҳр кўрсатган ким эди? Ўрнимдан туриб, туғруқ хонасига бордим. Ҳамширадан бугун тунда олдимга ким кирганини сўрадим. У эса, тонгда навбатчиликни бошлаганини, тунда ким ишлаганини билмаслигини айтди. Ҳатто исмини ҳам айтолмади. Балки ишонмасиз, ўша меҳрли товуш соҳибасини кўргим, у билан яқиндан танишиб, раҳмат айтгим келарди. Эртасига ҳам, кейин ҳам ўша фариш-тасифат аёлни суриштириб тополмадим...

Бу йил қизим 15 ёшга қаршилади. Шукр, ақлли, одобли. Ҳар гал қизимнинг бўйбастига қараганимда, ўқиши-

даги ютуқларидан қувонганимда ўша аёл эсимга тушаверади. Унинг ширин овози, майин кўлларини менга кўрсатган меҳридан ҳануз ўзимни бахтиёр сезаман. Шу билан бирга унинг олдида ўзимни қарздордек ҳис этаман. Ўша аёлни топиб, бир оғиз ҳам раҳмат айтолмаганимдан афсусланаман.

Шу боисдан ҳам бугун газета орқали бўлса-да, ўша онахонга (менимча, оналаргина шундай меҳр беришга қодир) ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Балки бу мактубни ўқигач, ўша тунни, оғир тўлғоқ азобидан сўнг фарзандини дунёга келтириб, ҳушидан кетган жувонни балки у киши ҳам танир, эслар...

Мана ўн беш йилдирки: "Қаерда бўлсангиз ҳам омон бўлинг. Ширин сўзингиз, озгина эътиборингиз билан бир хаста кўнгилни обод қилгансиз. Илоҳим, менга кўрсатган меҳрингиз яқинларингиздан, атрофингиздаги қадрдонларингиздан ўн чандон, юз чандон ортиги билан ўзингизга қайтсин", деб бу табарруқ аёлни алқаб яшяпман.

НИГОРА,
Тошкент шаҳри.

ОДАМОВИЛИГИМ ПАНД БЕРДИ

Ҳаёт шунчалар сир-синаотга бойки, уни тушуниб етавермаймиз. Кимдир умр пешонага битилгандек ўтади деса, яна кимдир тақдиримиз ўз кўлимизда, дейди. Ўтган элик йиллик умрим давомида шунга амин бўлдимки, қисматимизни ўз ҳатти-ҳаракатларимиз, ўй-хаёлларимизу хоҳиш-истакларимиз белгилаб бераркан. Чунки болагимдан ёлғизликни, айниқса, ёмғирли тунларни ёқираман.

Тақдир тақозоси билан 46 ёшимда ўйландим. Саида иккинчи гуруҳ ногирони эди. У жуда самимий, оккўнгли аёл бўлиб, жисмоний нуқсонли борлиги учунми, ўта хокисор эди. Ишдан келишимни интиқ кутар, мен яхши кўрган таомларни тайёрлаб кўярди. Уйга қайтган, ёлғизликда мусиқа тинглаш ёки китоб ўқиш билан банд бўлардим. Орадан бир йил ўтиб, Аллоҳ бизга ўғил ато этди. Назаримда ҳаммаси рисоладагидек эди. Аммо вақт ўтган сари Саида мендан яшириниб йиғлаётганини сезиб қолдим. Ҳозир ўша кунларни эсласам,

ўзимдан нафратланаман. Худбинлигим туфайли ўз тинчимни ўйлаб, ярим кўнгли аёлимни бахтсиз қилиб қўйдим. Кўнглига қарамадим, бир оғиз ширин сўз билан сийламадим.

Кўп ўтмай одамовилигим туфайли у мени тарк этди. Ўшанда ҳаёт давом этаверади, деб ўйлагандим. Икки йилгача истаганимча яшадим, унинг кетидан бормадим. Бир кун ичимга суддан ажралиш тўғрисидаги қоғоз келди...

Яқинда 55 ёшга кирдим. Эшитдим, бир оиланинг бахтли бекаси, уч фарзанднинг онаси бўлибди. Унинг учун суюндим, аммо ичимдан ўтгани ўзимга маълум. Тенгдошларим набиралари қуршовида бувалик бахтини суриб юришибди. Ўз бахтимни ўз вақтида тутиб қола билмадим. Айтмоқчи бўлганим битта: бу ҳаётда ҳар на истак кўнглидан бошланар, уни қай томонга бошлаш эса ўзимизга боғлиқ экан.

СОБИР САТТОРОВ,
Жиззах вилояти.

Тўқилмаган ҳикоя

Хизмат сафарим ниҳоялаб, Тошкентдан поездда қайтадиган бўлдим. Дугонаим иккимиз эр-хотин ҳамроҳларимиз билан тезда киришиб кетдик. Рашид ака ва Гуландом опа зиёли, ҳамма билан гурунги қовушадиган одамлар экан. Оқшом пайт қизиган сўхбатимизга атрофдагилар ҳам қўшилишиб, дилкаш давра йиғилди. Пойтахтда ўқиб ташвиши билан юрган чуваккина боланинг отаси ўғлининг шеърятга ихлоси баландлигини айтиб, машқларидан бир шиъил ўқиб беришини сўради. Йигитча ийманди.

ОНАМ ЁПГАН КУЛЧАЛАР



— Ана шунақа-да бу! — деб бош чайқади ота. — Ортиқча камтар. Минг марта айтаман: "Сўзамол бўл, шартта-шартта гапирсанг кўтариласан", деб. Шеърлариям — ичимдагини топ, бир ўқиб тушунмайсиз. Кўпинча Ватан ҳақида ёз, дейман. Шунда кўшиқ бўлиши осон кечади-да. Ҳозир ҳамма Ватан ҳақида ёзиб танилиб кетяпти. Тўғрими?..

— Тўғри, бўлса бордир, — ўйчанроқ жавоб берди Рашид ака. — Лекин, биласизми, шеър — кўнгли лаҳжаси, юракнинг тили. Уни кимдир буюриб ёздирмайди. Айниқса, муқаддас мавзуда зўр бериб, шунчаки ёзавериш ҳам тўғри эмас. Янаям билмадим. Ватан ҳақида уни англаганлар айтган сўз кудратли бўлади.

— Тўғри, кўнгли буюрганда битта, кучли ёзиб қўйса етади-да, шунда зўр чиқади, — гап қотди сўхбатдошлардан бири. Рашид ака мийиғида жилмайиб, яна шоирнинг отасига юзланди:

— Модомики, шу мавзуда гап очилган экан, келинг, мусофирчиликда бошимдан кечирган бир воқеани сўзлаб берай. Аскарлик бурчимни собиқ иттифоқ даврида Қора денгиз флотиди адо этиб, уч йил юрт соғинчи билан яшаганман. Ўша пайтлар армия сафида турли ҳудудлардан чақирилган йигитлар бирга хизмат қилар, дийдорга интиқ отаналар келишга имкон йўқлигидан тез-тез "посилка" юбориб, қадрдон гўшасининг тансиқ неъматларидан фарзандларига илиниб туришарди. Биз ойлаб денгиз узра сафарда бўлганимиз боис, қирғоққа яқинроқ жойда сузишимизни пойлардик. Шу тарихи ота-онамиздан келадиган почта билан ахён-ахёнда "учрашардик".

Ўшанда ҳам нақд икки ой олдин келган посилкани олгандим. Орзиқиб, энтиқиб очдим. Ёнғоқ, бодом, pista, дўлтали сариеғ, яна... онам ёпган кулчалар. Соддагина онажоним-ей, "Ўғлим иссиққина есин" деб, тандирдан узибоқ солганми, кулчалар бир энлиқдан пўнаклаб кетибди... Онажоним ёпган ёғли кулчалар! Уйимизнинг, қишлоғимнинг иси келарди улардан... Бўғзимга тошдек бир нима тикилди. Онам чайир кўлига энгча кийиб, юзлари лов-лов ёниб, менга атаб ёпган кулчалар. Юзига сув урганида "повв" этиб иси оламини тутган, энг биринчиси эрка синглимнинг этагига тушган кулчалар. Меҳр тафтида пишган, соғинч неъматлари... Нима қилай уларни, нима қилай? Битта-битта кўлимга оларқанман, онамнинг кўзларида ёш қалқиб турганини кўргандек бўлдим...

Ҳеч ким йўқ пайтда тепага чикдим. Тубсииз уммон сокин чайқаларди. Худди сувга чўкаётган тангадек ярим ботган кўёш уфқдан туриб шу томонга мўралар, бошим узра осмон энкаяр эди. Кулчаларни бир-бир денгизга ташладим. Чок-чокидан сўкилиб, майдаланган юрагим бўлақларини ташлардим гўё. Турнадек саф тортганча чайқалиб борарди, юракларим... Шунда ич-ичимда пинҳон яшаган қадрдон бир туйғу бош кўтарди-ю, қалбим йиғлаб юборди. Бу — Ватан ишқи, она юрт соғинчи эди. Юртимни қанчалар севшимни ўшанда ҳис этганман. Бу улғувор туйғу маълум бир шароитда юзага чиқши, балким бир умр инсон қалбида пинҳон яшаш мумкин. Энг муҳими — унинг борлиги. Уни ҳадеб овоза қилишининг ҳожати йўқ, менимча, ҳар бир инсоннинг дилида яшайди у, худди иймон каби.

Бир нафасга ўртага сукут чўкди. Шоир болага қарадим — назаримда, бу ҳикоя ҳаммадан кўра кўпроқ унга таъбир қилган, шу лаҳзада улғайиб қолган эди. Буни унинг кўзлари айтиб турарди.

ГУЛЧЕХРА АСРОНОВА.

Фасллар алмашинуви, об-ҳаво ўзгаришлари мўъжизакор табиатнинг турли кўринишлари билан муайянлигини кузатган қайимси одамлар об-ҳаво ўзгаришларини олдиндан тахмин қилишнинг ўзига хос усулларини ўйлаб топшиган.

Катта ҳаётий тажрибага таянган бобо ва момоларимиз қалдирғочлар пастлаб учса ёки булутли кунда гулхан дуди тепага ўрламай, ер бағирлаб ёйилса, ёмғир ёғишини, кузда товуклар эрта туллай бошласа, ҳали-вери изгирилли киш келмаслигини осонгина пайқашган. Об-ҳаво ўзгаришлари ва фасллар қандай келишини олдиндан башорат қилиш деҳқончиликни юришти учун ниҳоятда зарур эди. Боболаримиз тафаккурининг маҳсули бўлган бундай "об-ҳаво маълумотлари" табиий ҳодисалар ҳақида аниқ хабар беролмас-да, ўз замонида катта амалий аҳамият касб этган. Одамлар нафақат яқин кунлар об-ҳавосини, балки фасллар иқлимини ҳам олдиндан чамалашга ҳаракат қилганлар. Хусусан, баҳор қандай келиши кузда дарахтлар баргини тўкиш тартибига боғланса, кишининг совуқ ёки илқ келиши ҳазон фаслида қушларнинг қачон учиб кетишига қараб аниқланган.

Қуйида халқимизнинг осмон ёриткичлари, ўсимлик ва жониворлар ҳолатига қараб об-ҳаво ўзгаришларини олдиндан аниқлашга доир аънанавий тасаввурлари ва таъбирларидан баъзи намуналарни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Бу маълумотлар ўлкамиз об-ҳавоси ҳақидаги билимингизни бойитишга, табиатдаги муайян ўзгаришларни аввалдан аниқлашга, шунингдек, фасллар об-ҳавоси тўғрисида олдиндан ҳулоса чиқаришингизга имкон тўғдирса, ажаб эмас.

Асосий маълумот ташувчилар эса, ён-атрофимизда юрган ҳайвонлар, қушлар ва жониворлар эканини ҳамisha сезавермаймиз. Бироқ улар одамлардан илгарироқ об-ҳавонинг қандай келишини билишади.

Қушлар табиат инжиқликларини тез билади. Масалан, қушлар дарахт ёки айвоннинг офтобруй томонига ин қура бошласа ёз салқин келади, кузда жанубга кетаётган қушлар пастлаб учса, киш совуқ, баландлаб учса — иссиқ келади. Иссиқ ўлкаларда қишлоғчи қушлар одатдагидан барвақт учиб кетишса, ўша йили куз анча эрта келиб, ҳадемай қиш изгириналири бошланади. Агар кузда қушлар жануб томонларга учиб кетишга шошилмаса — қиш анча илқ келиши мумкин. Шимолдан учиб келувчи қушлар ўлкамизга эртароқ ташриф буюрса, куз салқин бўлади. Агар иссиқ ўлкаларда қишлайдиган қушлар одатдаги масканларига учиб кетмасдан, боғ-роғларда туриб қолишса — куз илқ келади. Иссиқ ўлкалардан учиб келган қушлар эрта баҳорда узоқ вақтгача сайрамай юришса, ҳали-вери ҳаво юришиб кетмайди, вақти-вақти билан совуқ бўлиши кутилади. Балиқчи қушларнинг безовталаниб, ҳадеб чағ-чағ қилавериши дарё ё кўлда кучли шамол бошланишини билдиради. Саратоннинг эрта тонгларида чумчуқлар ҳолатига эътибор беринг: агар улар қанча баланд учиб, чирқиллашса — ўша кун ҳаво шу қадар иссиқ бўлади. Асад ойининг охирида чўл қуши — қорабювурлар тўда-тўда бўлиб учиб юришса — шу йили куз эртароқ бошланади ва анча салқин кечади. Боғларда қушларнинг чуғурлаша бошлаши — ёмғир тиниб, ҳаво очилиб кетишидан нишона. Уй қушлари сайрамаса — совуқ узоқ давом этади. Боғларда қушлар шовқини эшитилмаса, тез орада ҳавода бирор ўзгариш содир бўлишини кутавериш керак. Сайраб турган қушлар бирданига жимиб, тиниб қолишса ҳам ҳаво бузилади,

бундай пайтларда кўпинча момоқалдироқ бўлади. Қушлар пастлаб учса, қарға қағилласа қор ёғади. Қушлар хурпайиб олса, ҳаво айниди. Ҳаво айнишидан олдин қушлар қаттиқ-қаттиқ овоз чикаради-ю, аммо сира сайрашмайди, нукул учшади, пастлаб ва чир айланиб парвоз қилишади. Айрим қушлар патларини юлиб-юлкайди. Олис уфқ томонда чанг-тўзон кўтарилиб, қалдирғочлар пастлаб уча бошласа, бироздан сўнг шамол эсиб, ҳаво айниши мумкин. Қаттиқ шамол олдиндан қалдирғочлар гоҳ пастлаб, гоҳ

ларнинг далада нари-бери юриши — бўлажак яши ва очик ҳавога, бир жойга жам бўлиб, тумшайиб туришлари эса ҳавонинг айнишига ишора. Илгари одамлар эрта баҳорданок йил об-ҳавоси қандай келишини куркурак қушининг уясидан чиқишига қараб аниқлаганлар. Агар у уясидан чиқиб ўзини ерга урса, тупроқда ағанаса, ўша йили кургоқчилик бўлиши кутилади. Чанг-тўзон, шамол ва бўронлар кўп

Табиат сирлари



ОБ-ҲАВО ДАРАКЧИЛАРИ

юқорилаб учаверади. Қалдирғочлар эрта кузда учиб кетишса, совуқ тушиши кутилади. Қалдирғоч баландроқ учса — ҳаво очик ва куруқ бўлади. Қалдирғоч чўмилса, қарға паст учса, турналар сайрай бошласа, чумчуқлар хурпайиб олса ҳадемай ҳаво айниди. Эрта баҳорда оқушлар бошқа қушларга қараганда анча вақтироқ учиб келишса — қиш чўзилади. Зағчалар тўда-тўда бўлиб учаверса, ёмғир кутавериши. Агар мусича секин ку-куласа, гарчи ҳаво булутли бўлиб, ёмғир ёғадиганга ўхшаб кўринса ҳам, тез орада қуёш чиқиб, ҳаво очилиб кетади. Узунқанот ер бағирлаб учса, ёмғир ёғади, юқорилаб учса ҳаво исиб кетади. Қизилтўшинг қардадир дарахт танасини тақиллатиши ёғиб турган ёмғирнинг тез орада тиниб, ҳаво очилиб кетишидан дарак беради.

ТУРНАЛАР ОРКАСИДАН АЁЗ ЭРГАШИБ ЮРАДИ

Лайлак ва қарға дарахтларнинг энг учига ин қура бошласа, қиш совуқ келади. Агар пастроққа ин қуришса, аксинча, қиш анча илқ келади. Олақарға келса — қиш яқин деган гап. Агар у дарахт, симёғоч ёки бошқа бир баландроқ жойга кўниб, қағиллаверса, ёғингарчилик бўлиши кутилади. Олақарға ҳадеганда кетавермаса, совуқ давом этади. Қағиллаверса, уст-устига ёғингарчилик бўлади. Қарғалар жам бўлиб, ҳавога чиқиб, сўнгра ерга отилиб тушиб ўйнашса, бўрон бўлиб ёмғир ёғади. Қизилтўш учиб келса, совуқ тушади. Чуғурчүкни кўрдингми, демек ҳадемай баҳор келади. Мезон кириши билан суфитўрағай учиб кетса, тезда совуқ тушиб, ёмғирли кунлар бошланади. Булбул туни билан хониш қилиб чиқса, эртаси кун ҳаво очик ва иссиқ бўлади. Тўрағай учиб келса, илқ кунлар бошланади. Тўрағай-

бўлади. Агар у индан қиқча, дарҳол учиб кетса, йил яхши, серҳосил бўлиб, ҳаво очик келади. Турналар сайраса, ёмғир ёғади. Турналар ўйин тушса, кун исийди, улар қиқирса, ёмғир ёғади. Турналар тўлкинсмон бўлиб, арқон эшиб учса, қиш совуқ ва қаттиқ бўлиб, узоқ чўзилади. Турналар баланд учса, қиш илқ келади. Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади. Турналар кузда баланд учса, куз узоқ келади. Турналар барвақт ва пастлаб учиб кетишса, қиш қаттиқ келади. Буни кексалар: "Турналар орқасидан аёз эрғашиб юради", — дейдилар. Турналар барвақт учиб келса, қиш совуқлари тугаб, ҳаво исиб кетади.

Чумчуқларнинг баҳорда тўп-тўп бўлиб, пастлаб учуши — ҳаво айнишидан далолат беради. Чумчуқлар гала-гала бўлиб бир томонга қараб учинса, ўша кун ҳаво бузилади. Агар улар ҳар томонга тарқалиб, гуркираб учинса, ҳаво очик келади. Эрталаб чумчуқлар қувонгандай чирқираса, тушга яқин ҳаво жуда исиб кетади. Чумчуқлар кўнган жойда қимирламасдан, хурпайиб ўтирса ҳам ҳаво бузилиб, ёмғир ёғади. Чумчуқлар тупроққа ағанаб, чанга беланиб, "чўмилса" ёмғир ёғади. Қишда чумчуқлар бир-варакай чуғурлашса, ҳаво айниди. Каптарлар гув-гувласа ҳаво очик бўлади. Майналар эрта келса, қиш тез тугаб, илқ кунлар бошланиб кетади. Қарға хурпайса ҳам ёмғир ёғади, шамол келатган томонга қараб қағиллаверса, ёзда ёмғир ёғади, қишда эса кучли шамол эсади. Қарға эрталаб дарахт учиди ўтириб, "қарқарласа", ҳавонинг айнишидан нишона. Агар қора қарғалар тўғри инига учиб келишса, баҳор илқ келади. Қора қарғалар шудгор ва бошқа кенг майдонларга ёйилиб донлайверса, тез орада ҳаво бузилади ва ёғингарчилик

Маматқул Жўраев,
фольклоршуно

бўлади. Кузда қарға эшак олдида турган бўлса, қиш қаттиқ келади. Бойўғли сайраса, ўрдак чўмилса, фоз бошини яширса, тумшугини тақиллатса, тумшугини, ё бир оёғини қаноти остига тикса, совуқ бўлади.

СИГИРНИНГ НОЁБ ХУСУСИЯТИ

Уй паррандалари ҳам об-ҳавонинг келишини сезиши билан алоҳида эътиборга молик. Улар орасида товук, фоз, ўрдакнинг хусусиятини таъкидлаш жоиз. Масалан, фоз оёғини кўтарса, ҳаво совуқ келади. Фоз ювинса, ўрдак қиқирса, турна ўйинга тушса, ит йўлга ётиб олса, от пишқирса, сигир ётса кун исийди. Фозларнинг иссиқ ўлкаларга учиб кетиши — кишининг илқ белгисидир. Ўрдакларнинг кузги учуши, яъни "ўрдак киргини" илқ совуқ тушганлигидан далолат. Уфқда чанг-тўзон кўтарилиб, қушлар пастлаб уча бошласа, шамол эсиб, ҳаво айниди. Товуқлар баландроқ жойга чиқиб, патларини тозаласа, ёмғир кутавериш керак. Товуқлар ёмғир ёғаётган пайтда ўзларини панароқ жойларга олиб қочмаса, билинги, ёғингарчилик узоққа чўзилмай, тез орада ёмғир тинади. Товуқларнинг тупроққа ағанаб, сўнгра қанотларини тозалай бошлаши ҳавонинг бузилишидан далолат беради. Хўрозлар кечки пайт қиқира бошласа, ҳавода бирор ўзгариш бўлиши мумкин. Ҳаво очик бўлишига қарамай, товуклар донлагани ёйилиб кетмай, боғ, ховли ёки бостирманинг баландроқ ва панароқ жойларига чиқиб, жойлашиб олса, бу ёғингарчилик бўлиши аломотидир. Қаттиқ совуқда куржаҳўроз қиқирса, илқ шамол эсади. От ёзда намгарчилик бошланиши олдиндан ётади, қишда эса қор ёғиши бошланишидан аввал ётади. От хирилласа, ҳаво айниди, пишқирса, иссиқ бўлади, бошини силкитиб юқорига қараб чўзаверса — ёмғир ёғади. Ёмғирдан олдин хўкиз ва сигирлар тумшукларини кўтариб, бирор нарса ниҳадгандай зўр бериб нафас олаверадилар. Сигир бўрон бошланиши олдиндан яйловдан барвақт қайтади. Агар сигир яйловдан кеч қайтса, ёки кечаси билан яйловда қолиб кетса, ҳаво очик келади. Ёмғирдан олдин сигирнинг сути тортилиб қолади. Сигир ўт емай, мудраб ётаверса, ҳаво исиб кетади. Эчки билан сигир бошларини чайқайверишса, тез орада совуқ бўлишидан дарак беради. Моллар кечки пайт далада иштаха билан ўт еса, эртаси кун ҳаво бузилиб, ёғингарчилик бўлиши мумкин. Ҳайвонлар қайси томонга орқа қилиб ётса, ўша томондан шамол эсади. Мол сувни кам ичиб, кундузи мудрай бошласа, тез орада ёғингарчилик бўлади. Олмаҳон ёки оқ қуёнлар ўз ранглари эртароқ ўзгаришса, куз иссиқ бўлади. Туя бўрон ва аёз бўлиши олдиндан пишқиради. Туя ўйин тушса, қор ёғади. Мушук ер ёки деворни тимдалайверса ёки тинимсиз миёвласа, ҳавонинг авзойи бузилади. Агар мушук сандал тагига бекиниб, ётиб олса, қаттиқ совуқ бўлади. Мушук ҳалчана ётса, ёғаётган ёмғир тиниб, ҳаво юришиб кетади. Мушук ерга ағанаверса, ёғингарчилик бўлади. Мушукларнинг тупроққа ағанани қишда кун илишидан, ёзда эса жуда исиб кетишидан дарак беради. Орқаси билан ётса, ҳаво очик келади. Кулала бўлиб ётса, совуқ кунлар бошланади. Мушук ҳадеб сув олдида бораверса ёки кўп ичса, ҳаво айниди. Соя жойда мудрай бошласа — ҳаво иссиқ бўлишидан дарак беради.

Умуман олганда, жониворларнинг бу ҳаракатларидан аниққса, деҳқонлар жуда унумли фойдаланишади. Куз фаслида баҳорги экинларни экишда жониворларнинг ҳолатига қараб, ер ҳайдашади, дон-дун сепишади. Бу бизнинг асрий удумимиздир.

— Боламга ёзма ишдан паст баҳо кўйибсиз-а, унда қандай аламингда бор эди? — деб ёзгирди она фарзандининг устозига кўнғироқ қилиб (мактабга вақт учрашмайди, чунки бунга ҳақ тополмайди).

— Бу ерда ҳеч қандай хусумат йўқ, ўзи яхши ўқимайди. Айниқса, она тили фанига эътибор бермайди. Ёзма ишларида гиж-гиж хато, тўғриси айтсам, баҳосини сал “ошириб” кўйганман, — дея хижолатомуз жавоб қилади устоз.

— Хатоси бормиш, савил қолгур,

ХАТОНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

шу она тили фани боламга ош-нон берармиди? Вергуль ёки сўзида битта-яримта ҳарф тушиб қолган бўлса, қиёмат қойим бўлмас. Бир амаллаб гапини топиб гапирса бўлди-да. Нима қиласизлар қаёқдаги хатоларни қидириб, боланинг бошини ачитиб...

Бундай сўхбатлар гоҳ-гоҳида қулоққа чалинса-да, одамнинг кўнглига оғриқ солади. Бугунги кунда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларини қийнаб келаятган муаммолардан бири эса айрим ўқувчи ва талабалар сўз бойлигининг ғариблиги учун нафақат ёзма ишларда, балки оғзаки мулоқотда ҳам ўз фикрини жуда жўн ва ғализ жумлаларда ифодалаётганидир. Ҳамкасбларимизнинг аксарияти бунинг сабабини болалар китоб ўқимай кўйганида деб ҳисоблашади. Аммо иккинчи тарафдан олиб қараганда, бугунги кунда китоб ўқиётган болаларда ҳам кўплаб ғализ жумлалар, тилнинг бузилиши ҳолатлари кузатиляпти. Шу ўринда бир нарсани унутмаслик керакки, ўқувчи атайлаб тилни бузиб гапир-

майди. У ўсиб, вояга етаётган муҳит, теварак атрофдагиларнинг муомала муносабатлари, болалигидан қулоғига “ўрнашган”, кўзи “кўникан” ҳолатлар унинг нутқида таъсир этади.

Айтайлик, кўчада катта-катта ҳарфлар билан ёзилган, чиройли рангларда безатилган реклама баннерлари ҳаммининг, айниқса, ёш болаларнинг эътиборини тезда ўзига тортади. Ҳарфларни эндигина ўзлаш-

тирган болакай ва қизалоқлар улардаги бошқа тиллардан сўзма-сўз таржима қилинган, ўзбекчага мутлақо “ёпишмаган” жумлаларни ташналик билан ўқийдилар ва “Шундай бўлиши керак экан”, деган хулосага келадилар. Шу боис биз энг аввало, “кўча ёзувлари”га эътиборли бўлишимиз керак. Аммо бундай баннерлардаги ғализ жумлаларга эътироз билдириб кўринг-а, “Бу сўзларни реклама берувчининг розилигисиз ўзгартира олмаймиз”, деган жавобни эшитасиз. Агар “реклама берувчи” ўзбек тили грамматикасини билмаса, маҳсулотининг алмоий-жалмоий жумлаларда реклама қилинаётганини тушунамса-чи?.. У ҳолда ҳам унинг розилигига кўз тикиб ўтираверамизми?!

Афсуски, айрим газета ва журналларда, ҳатто телевидение орқали узатилаётган рекламаларда ҳам ҳар кун кўплаб ғализ ва турли хатоликлар билан тайёрланган сўзларга дуч келаяпмиз ва болаларнинггина эмас, ҳатто катталарнинг ҳам кўзу қулоғи тилимизнинг бузиб ифодаланганига “кўникиб” қоляпти.

Кекса авлод вакиллари билан гаплашсангиз, расмий идораларга она

тилида ариза ёзишга-да имконсиз қолган, тилимизнинг камситилган даврларини ички бир оғриқ билан эсга олишади. Мустақиллик учун курашнинг илк нишонаси сифатида 1989 йил 21 октябрь куни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Шу кундан эътиборан тилимиз давлат томонидан қонун ҳимоясига олинди.

Луғат бойлиги, яратилган илмий, бадиий, тарихий асарларнинг салмоғи жиҳатидан она тилимиз дунёдаги манаман деган тиллардан қолишмайди. Манбаларда келтирилишича, Алишер Навоий ўз асарларида 26035 та, Александр Пушкин 21193 та, Уильям Шекспир 20000 дан ортиқ, Мигел де Сервантес 18000 дан ортиқ, Абдураҳмон Жомий 17600 тадан ортиқ сўзларни ишлатган экан.

Тилга эътибор, энг аввало, оилада бошланади. Ота-она зиёли бўлса, юқоридагидек ҳолатларга танқидий муносабат билдирса, болада ҳам ана шундай фикр шаклланади ва нотўғри ифодаланган сўзлар ва жумлаларнинг тўғри шаклини топиш учун ўқиб, ўрганади.

Бугун турли ижтимоий тармоқларда сўзларни чалажон қилиб, тушунарсиз лаҳжаларда бир-бири билан SMS ёзишгаётган ёшлар, фарзандининг имло хатосини тўғрилаш ўрнига, ўқитувчилар билан “баҳо талашаётган” ота-оналар тилимизнинг софлиги ва ривожини йўлида фақатгина тилшунослар, ёки она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларигина эмас, барчамиз бирдек масъул эканимизни унутмасликларни керак.

**Сабоҳат ТҲАТБОЕВА,
ДТДУ қоишдаги Чилонзор
академик лицейнинг она тили
ва адабиёти фани ўқитувчиси.**



МИТТИ БЕГЕМОТ

Бегемотдай баҳайбат жонивор-га митти деган таърифни бериш қулгили. Аммо бу ҳақиқат. Ёинки табиат ҳамиша мўъжизаларга қодир бўлган.



Энг кичкина бегемотлар бугунги кунда фақатгина Либерия, Сьерра-Леоне ҳамда Кот-д’Ивуарда учрайди. Жониворларнинг бундай тури митти бегемот ёки Либерия митти бегемоти дея номланади. Маҳаллий аҳоли уларни “нигбве” ёки “мве-мве” деб атайдилар.

Ёши катталарининг бўйи 83 см, узунлиги 177 см бўлиб, 180 дан 275 килограммгача вазнга эга бўлишади. Одатдаги катта бегемотлар (Гиппопотамлар) 4,5 тонна оғирликни босади.

Бугун табиат қўйида озодликда яшаётган митти гиппопотамларнинг ҳаёти хавф остида қолган. Яъни, ўрмонларнинг беаёв кесилаётгани сабабли уларнинг яшаш ва кўпайишлари учун майдонлар тобора камайиб бормоқда. Шунингдек, бундай жониворлар сони қисқариб кетишида фуқаролик урушларининг ҳам роли кам эмас. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ер юзиде озод яшаётган митти бегемотлар сони мингтадан ошмас экан. Бу рақамлар шуни кўрсатадики, уларнинг сони айти кунда табиатдагидан кўра ҳайвонот боғларида кўпроқдир. Дарвоқе, бу борада ҳайвонот боғларини оқлайдиган яна бир ҳолат борки, бегемотлар тутқинликда табиатдагидан кўра кўпроқ кўпайишар экан.

Шунга қарамай, бегемотларнинг бундай кичик турлари эндиликда табиатнинг ноёб ҳодисасидек бўлиб қолмоқда. Уларнинг табиатдаги вакиллари сақлаб қолиш учун жиддий кураш олиб борилмаса, фауна ва флора оламидаги биохилмаҳиллик борасида яна бир йўқотиш содир бўлиши мумкин.

**Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.**

МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ ШАРТНОМАСИ

Мол-мулкни ишончли бошқариш, асосан, тадбиркорлик фаолиятига дахлдор ҳуқуқий конструкция. Ҳар қандай мол-мулк эмас, айнан тадбиркорлик ортидан даромад олиш мумкин бўлган мол-мулк мазкур муносабатнинг объектидир. Фуқаролик қонунчилигида қорхонанинг фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатидаги мақоми ва у билан боғлиқ битимларга қўйиладиган талаблар белгиланганим? Ишончли бошқариш объекти, кўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз? Г.Усмонова.

— Фуқаролик кодексининг 85-моддасига кўра бутун қорхона мулкий комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади.

Мулкий комплекс бўлган қорхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан, ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек, қорхонани, унинг маҳсулотини, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қиради.

Қорхонанинг ишончли бошқариш объекти бўлиши Фуқаролик Кодексининг 85-моддасида белгиланган. Ишончли бошқариш объектлари қорхоналар ва бошқа

мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида объектлар, қимматли қозғалар, алоҳида ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Қонунда кўзда тутилган ҳолларни истисно этганда, пул ишончли бошқаришнинг мустақил объекти бўла олмайди.

Хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулк ишончли бошқарувга топширилиши мумкин эмас. Хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулк уни хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда сақлаб турган юридик шахс тутилганидан ёки мол-мулкка хўжалик бошқаруви ёки оператив бошқарув ҳуқуқи бекор қилинганидан ҳамда у қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мулкдорнинг ихтиёрига ўтганидан кейингина ишончли бошқарувга топширилиши мумкин.

Фуқаролик Кодексининг 854-моддаси 2-қисмига биноан, кўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Кўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома учун назарда тутилган шаклда ва тартибда тузилади. Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши қайси тартибда давлат рўйхатидан ўтказилса, бу мулкни ишончли бошқаришга топшириш ҳам шу тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

**Саволга Олмалик шахар 3-сонли ДНИ
нотариуси Гўзал ИСОҚЖОНОВА
жавоб берди.**

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлөзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тошкентга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАБОВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ
Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1036. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 4525. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08